

in updating the condition of forests and building recreation parks for forestry enterprises;

when choosing the most optimal option for the design of new highways and roads for highway construction enterprises;

in the correct and reasonable calculation of land in the state fund;

for travelers, finding suitable hotels, travel destinations and, of course, the right direction;

it is very useful for farmers in developing new lands, determining the condition of the lands and obtaining sufficient information about them.

In addition, GIS is used in ecology and environment use, marine, aviation and car naviGISion systems, urban planning, marketing, emergency management and planning, sociology, political science and other fields.

A number of benefits arise from the use of GIS in geodesy and especially economic fields. In this case, the volume of work increases sharply, and the time spent on data processing and printing is sharply reduced. In addition, the quantity and quality of work related to obtaining information will increase.

In conclusion, the mapping of socio-economic indicators with the help of GIS technologies helps to receive data clearly and comprehensibly. Also, in the process of data analysis, it is important to develop the necessary conclusions and make forecasts.

#### **References:**

A.A.Ibraimova, *Socio-economic cartography* [Text]: study guide-Tashkent: Tafakkur tomchilari, 2020.-306p.

E.Y.Safarov, K.A.Abdurakhimov, R.K.Oymatov - *Geoinformation Cartography training manual*, Tashkent University 2012.

M.Q.Sultonov, *Geoinformation cartography (teaching manual)* - Urganch, 2014.

T.Kh. Boltayev et al.; *Scientific basis of geoinformation system: Study guide.*; Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan."T.: Economy-Finance, 2016. 284 p.

ESRI - *Manual for working with ArcGIS Online* (<https://doc.arcgis.com/ru/arcgis-online/get-started/what-is-agol.htm>)

## **МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ**

**Ш.Ш.Банноев**, мустақил тадқиқотчи  
Наманган давлат университети

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш ҳар бир минтақанинг қўшган оқилона ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимиdir. Демак, минтақалар ва умумий вазиятга таъсир қилувчи омиллар тизимиға қараб миллий иқтисодиёт ривожланиб боради.

Албатта, миллий иқтисодиётни ривожланиши мамлакатни ташкил этувчи минтақаларнинг ресурслар билан таъминланганлиги ва улардаги сезиларли фарқлар, минтақа иқтисодиётининг тузилиши ва турли тармоқларнинг ривожланиш даражаси билан боғлиқ. Шу боис, миллий иқтисодиётни

ривожланишида бир томондан, минтақаларни ривожлантиришнинг маълум бир босқичи учун мақсад ва вазифалар умумлаштирилади, иккинчи томондан, минтақаларни иқтисодий ривожлантиришнинг мувозанатли йўналишлари ишлаб чиқилади. Хуллас, алоҳида минтақанинг иқтисодий ривожлантириш чоратадбирлари миллий мақсадларга эришишнинг умумий йўналиши ҳисобланади.

Сўнгги йилларда иқтисодий ривожланиш натижалари учун тобора қўпроқ масъул бўлган минтақаларнинг мустақиллиги тобора ортиб бормоқда. Минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолати объектив (макроиктисодий шароитлар, минтақанинг ижтимоий меҳнат тақсимотидаги мавқеи, саноат тузилиши, географик жойлашуви, табиий ресурслари) ва субъектив омиллар (минтақавий бошқарув усуллари) билан белгиланмоқда. Бундай шароитда минтақа учун ўзини ўзи ривожлантиришнинг янги йўллари ва ҳал қилувчи омилларини излаб топиш долзарб бўлиб бормоқда. Минтақа учун ўзини ўзи ривожлантириш вазифалари аҳоли, давлат ва капиталнинг ҳамкорлигини таъминламоқда.

Минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланишининг таҳлили уларнинг мамлакат иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссани баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Ўз ўрнида бундай таҳлил ҳар бир минтақанинг ички имконларини аниқлашда ва бу имконларни рўёбга чиқаришга хизмат қилиш нуқтаи назаридан амалга оширилади. Минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолатини объектив баҳолаш учун минтақавий иқтисодиёт концепциясини кўриб чиқиши лозим.

Минтақавий иқтисодиёт концепцияси маълум бир худудни ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари ҳамда уларга эришиш йўллари тўғрисидаги қонуниятлар тизимиdir. Концептуал ёндошувда ҳар бир минтақада мавжуд бўлган табиий, тарихий, ижтимоий, иқтисодий, демографик ва технологик омилларнинг қиёсий афзалликларини белгилаш ва шу асосда улардан максимал даражада фойдаланиш керак. Жумладан, минтақавий иқтисодиёт концепцияси қуидаги йўналишларда шаклланиб борди<sup>237</sup>:

- минтақавий ихтисослашув ва савдо тамойиллари биринчи марта А.Смид ва Д.Рикардо каби классик иқтисодчилар томонидан мутлақ ва нисбий устунлик назариялари орқали асослаб берилди. Мазкур назария арzon ресурслардан фойдаланиб минтақаларни ихтисослаштириш заруриятини белгилайди. Бу даврда саноатлашган ишлаб чиқаришни қарор топиши билан «штандорт» (жойлаштириш) тўғрисидаги таълимотлар ҳам юзага келди;

- И.Тюненning қишлоқ хўжалигини жойлаштириш назарияси шаҳар атрофида кескин ажратилган муайян концентрик доира ёки минтақалар ҳосил қилишга қаратилган. Бунда шундай экин майдонини танлаш керакки, фойда билан транспорт харажатлари бир-бирига мос тушиши керак. Қишлоқ хўжалик

<sup>237</sup> Фуломов С.С., Барбакадзе М.Ш. Худудий тизимларни оптималлаш моделлари ва усуллари (Ўқув қўлланма). – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 24-49.; Минтақавий иқтисодиёт (Ўқув қўлланма)/ А.С.Солиев, Э.А.Ахмедов, Р.Й.Маҳамадалиев ва бошқ. – Тошкент: Университет, 2003. – Б. 9-10.; Қаюмов А., Назарова Ҳ., Эгамбердиев Ф., Якубов Ў. Минтақавий иқтисодиёт (Ўқув қўлланма). – Тошкент.: ЎзМУ, 2004. – Б. 4-6.; Абдуллаев О. Иқтисодий география (Ўқув қўлланма, 2-кисм). – Наманганд: НамДУ, 2006. – Б. 46-48.

маҳсулотлари етиштириладиган жойдан бозоргача бўлган масофада кетадиган харажатлар ҳал қилувчи таъсирга эга бўлган;

■ А. Вебернинг саноат штандортида жойлаштириш омили – хўжалик фаолияти қаерда амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий фойда ҳисобланади. Ёки саноат тармоқларини шундай жойлаштириш керакки, трансакцион ва бошқа харажатларни қисқартириш орқали фойдани ошириш имкони бўлсин. Бунда асосан штандорт ҳосил қилувчи омилларнинг (транспорт, ишчи кучи, агломерация) боғланиши тадқиқ этилган;

■ А. Лёш эса минтақада муайян тармоқни жойлаштиришга ҳалқ хўжалиги ва ҳалқаро савдо нуқтаи назаридан мажмуали ёндашади. Унинг фикрича, иқтисодчининг ҳақиқий бурчи ҳозирги аҳволни изоҳлаш эмас, балки уни яхшилаш ва ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш муаммосини ҳал этиши керак. Эркин иқтисодиёт шароитида алоҳида корхона учун тўғри танланган жой энг кўп фойда олиши таъминлайдиган нуқтадир. Шунингдек, бозор минтақасини ташкил топишида иқтисодий районлардан бирини жамлашга, бошқасини эса тарқатишга эътибор қаратган. Иқтисодий район ҳосил қилувчи асосий омиллар ишлаб чиқариш тармоқлари эмас, балки товарларни бозорда сотиш асосий ўрин тутади, деб ҳисоблайди. Бунда бозор минтақаларининг хажмларини энг чекка масофалар билан белгилаб беради. Ушбу масофалар билан нархларнинг табақалашishi, темир йўл таърифлари, табиий ва сиёсий тафовутлар, ишбилармонларнинг шахсий лаёқати ва миллий одатлар тадқиқ этилади;

■ В. Кристаллер асосий эътиборни статистик жойлаштиришга ва минтақавий бозорнинг иерархиясини аниқлашга қаратади. «Марказий жой» назариясида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши аҳоли қўрғонларини жойлаштиришга боғлиқлиги очиб берилган. Бунда ҳар бир аҳоли қўрғони ўзининг марказида олти бурчакдан иборат бозор зonasига эга бўлиши лозим;

■ У. Айзард (1950 йилларда тадқиқот олиб борган бўлсада, классик иқтисодчиларнинг назарий қарашларини асос қилиб олган) кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаб берувчи бозорларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор берган. Аҳолининг сони ва даромадларини прогнозлаш орқали бозордаги талабни ҳисоблаб чиқади. Бунда талаб бозорнинг ривожланишини таъминловчи биринчи омил ҳамда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида намоён бўлади.

Минтақавий иқтисодиёт концепциясининг ривожланиши 1950 йилнинг урталаридан бошланди. Бу даврдаги илмий-техник тараққиёт, саноат тармоқларида илмий соҳаларнинг ривожланиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг саноат асосларига кўчиши (агросаноат мажмуаси), хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасини ортиб бориши, ишлаб чиқаришни транспорт ва хомашёга боғлиқлигининг қисқариб бориши, меҳнат муносабатларининг такомиллашуви ва ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятларини

сезиларли равища да ўзгартируди.<sup>238</sup> Натижада, Й.Шумпетер ва Т.Хагерстранд (диффузия қонуни), Э.Хекшер ва Б.Олин (ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимоти), Ф.Перрү (ўсиш қутблари), В.Леонтьев (шахмат баланси), В.Бунге (марказий жой) каби олимлар томонидан минтақавий иқтисодиёт концепцияси бойитилди<sup>239</sup> ва «ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг бозор назарияси» билан боғлиқ йўналишлар ривожланди.

Айни пайтда, П.Кругман, М.Фудзита, Я.Корнаи, Р.Вернон Д.Одреч, Дж.Кантвелл, К.Морган, А.Родригес-Позе, А.Саксенян ва бошқалар томонидан минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши инновациялар ва халқаро иқтисодий алоқалар билан боғлиқлиги илмий асосланган.<sup>240</sup>

Минтақавий иқтисодиётнинг обьекти ва предмети доирасида турли хил ёндашувларни кузатиш мумкин. Чунки, “минтақа” (лотинча “regio” – “мамлакат”, “ўлка”, “област”) – бир қатор маълум мезонлар бўйича ажратиб олинадиган ер бўлагини белгилаш учун қабул қилинган атама ҳисобланади.<sup>241</sup> Минтақа атамаси 100 дан ортиқ турли хил мазмунда талқин қилиниши билан ажралиб туради. Хусусан, турли соҳалардаги турли хил субъектларни кўрсатиши мумкин ва бир хил соҳада уни ҳар хил талқин қилиш мумкин. Шунга кўра, минтақалар типологиясида географик, этник, демографик, тарихий, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий-иктисодий, экологик, ахборот, цивилизация ва бошқа қўплаб ёндашувларни ажралиб кўрсатилади.

Шу жиҳатдан, минтақа – бу маълум бир худуд бўлиб, у бошқа худудлардан қатор белгилар бўйича фарқ қиласи ва ўзига хос бир бутунлик, таркибий элементлари ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжудлиги билан ифодаланади.

А.Г.Гранберг фикрича, минтақа – бу қатор белгилар бўйича бошқа худудлардан фарқ қиласи ва қандайдир яхлитликда бўлган, ўзаро боғлиқ бўлган унсурлардан иборат маълум бир худуддир<sup>242</sup>. А.С.Маршалова фикрича, минтақа нафақат мамлакат ижтимоий-иктисодий мажмуасини кичик тизими, балки такрор ишлаб чиқаришни яқунланган циклига ва алоҳида шаклларига, иқтисодий жараёнлар кечишининг ўзига хос хусусиятига эга бўлган нисбатан

<sup>238</sup> Sotvoldiev N.J., Bannoev SH.SH. Regional approaches to food market research and its effectiveness// J. Asia Pacific Journal Of Marketing & Management Review. - 2022. № 11. – pp. 9-18.

<https://www.gejournal.net/index.php/APJMMR/article/view/1258>

<sup>239</sup> Раззоков А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи (Дарслик). – Тошкент: Молия, 2002. – Б. 406.

<sup>240</sup> Krugman P. Geography and Trade. – Cambrige: The MIT Press, 1992 – pp. 56-64.; Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. – Cambrige: The MIT Press, 2001. – pp. 38-46.; Корнаи Я. Системная парадигма// Ж. Вопросы экономики – М.: 2002, № 4. – С. 4-23.; Vernon R. International Investment and International Trade in the Product Cycle// The Quarterly Journal of Economics. – London: 1966, № 2. – pp. 190–207.; Audretsch D. Feldman M. Spillovers and the Geography of Innovation and Production// J. American Economic Review. – Nashville: 1996, № 3 (86) – pp. 630-640.; Cantwell J., Iammarino S. MNCs, Technological Innovation and Regional Systems in the EU: Some Evidence from the Italian Case// International Journal of the Economics of Business. – London: 1998, № 5 (3). – pp. 383-408.; Morgan K. The Learning Region: Institutions, Innovation and Regional Renewal// J. Regional Studies. – Abingdon: 1997, № 31 (5). – pp. 491-503.; Rodriguez-Pose A. Innovation Prone and Innovation Averse Societies: Economic Performance in Europe// J. Growth and Change. – California: 1999, № 1 (30). – pp. 75-105.; Saxenian A. Inside-Out: Regional Networks and Industrial Adaptation in Silicon Valleyand Route 128// A Journal of Policy Development and Research. – Washington: 1996, № 2 (2). – pp. 41-60.

<sup>241</sup> Region. <https://en.m.wikipedia.org/wiki/Region>

<sup>242</sup> Гранберг А.Г. Основы региональной экономики (Учебник). – М.: ГУ ВШЭ, 2000. – С. 81.

мустақил қисмдир<sup>243</sup>. А.Солиев фикрича, минтақавий иқтисодиёт, одатда, мамлакат ичида ажратиладиган иқтисодий районлар ёки вилоятлар даражасига мос келади. Бинобарин, кичик ҳудудлар – шаҳар, қишлоқ туманлари хўжалик тизимини минтақавий иқтисодиёт мақомида кўриш нодурустдир<sup>244</sup>. О.Абдуллаев фикрича, минтақалар иерархияси қишлоқ, туман, шаҳар, автоном республика, вилоят, иқтисодий районлар, мамлакат, Марказий Осиё, Евросиё ва иқтисодий иттифоқлар (МДҲ, ШҲТ) ва дунё хўжалигидан иборат<sup>245</sup>.

Умуман олганда, минтақани ҳудуди, аҳолиси ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мумкин. Ҳар бир минтақа ўзининг табиий ва демографик салоҳияти, иқтисодиётининг тармоқлар таркиби ва ривожланганлик даражаси, ташки иқтисодий алоқалардаги иштирокига биноан бир-биридан фарқ қиласи.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

*Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти (Монография). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 8.*

*Гуломов С.С., Барбакадзе М.Ш. Ҳудудий тизимларни оптималлаши моделлари ва усуллари (Ўқув қўлланма). – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 24-49.*

*Минтақавий иқтисодиёт (Ўқув қўлланма)/ А.С.Солиев, Э.А.Аҳмедов, Р.Й.Махамадалиев ва бошқ. – Тошкент: Университет, 2003. – Б. 9-10.*

*Қаюмов А., Назарова Х., Эгамбердиев Ф., Якубов Ў. Минтақавий иқтисодиёт (Ўқув қўлланма). – Тошкент.: ЎзМУ, 2004. – Б. 4-6.*

*Гранберг А.Г. Основы региональной экономики (Учебник). – М.: ГУ ВШЭ, 2000. – С. 81.*

*Маршалова А.С., Новоселова А.С. Основы теории регионального воспроизводства – М.: Экономика, 1998. – С. 6.*

*Раззоқов А., Тошиматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи (Дарслик). – Тошкент: Молия, 2002. – Б. 406.*

## **ПРИМЕНЕНИЕ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ НА ПОТРЕБЛЕНИЕ САХАРОСОДЕРЖАЩИХ НАПИТКОВ**

*А.Х.Убайдуллаева, главный специалист  
Института бюджетно-налоговых исследований при  
Министерстве экономики и финансов*

Нездоровое питание является ключевым фактором роста различных заболеваний человека при его недостаточной физической активности, в особенности, в странах с низким и средним уровнем дохода. Одним из основных компонентов нездорового питания является чрезмерное употребление сахаросодержащих напитков. Они не приносят питательной пользы и имеют многочисленные последствия для здоровья, способствуя увеличению веса,

<sup>243</sup> Маршалова А.С., Новоселова А.С. Основы теории регионального воспроизводства – М.: Экономика, 1998. – С. 6.

<sup>244</sup> Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма/ А.С.Солиев, Э.А.Аҳмедов, Р.Й.Махамадалиев ва бошқ. – Тошкент: Университет, 2003. – Б. 7.

<sup>245</sup> Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти (Монография). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 8.